

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2026 йил март ойининг 17 куни Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, очик суд мажлисида, вилоят суди биносида,
раислик қилувчи судья: А.Исаков,

ҳайъат судьялари: Ф.Собиров ва Ш.Назировдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Тождидиновнинг котиблигида, прокурор Ш.Нурова ва химоячи Д.Улуғбековларнинг иштирокида, судланган М.Абдуллаевга оид жиноят ишлари унинг шикоятига асосан кассация тартибида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2025 йил 10 ноябрдаги ҳукмига мувофиқ:

1996 йил 23 июлда Қўрғонтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта - махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, “Сафия” МЧЖда юк ташувчи бўлиб ишлаган, муқаддам 2021 йил 10 декабрдаги жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг ҳукмига мувофиқ ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Охангарон туман судининг 2024 йил 7 майдаги ажрими билан ўталмаган 2 йил 8 ой 28 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазонинг 1 йил 8 ой 9 куни ўталмаган, Қўрғонтепа тумани, Истиклол МФЙ, Хумо кўчаси, 1-уйда яшаган, иш бўйича қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган Абдуллаев Мухаммад-Али Мўмин ўғлига

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-модда 3-қисмининг “а” банди билан 7 йил, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил, ЖКнинг 59-моддаси



тартибида 7 йил 3 ой, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазо қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Абдуллаев 2025 йил 13 июнь куни Қўрғонтепа тумани Истиқлол МФЙ ўрамида соф оғирлиги 3,13 граммни ташкил қилувчи ўз таркибида фаол гиёҳванд модда - тетрагидроканабинол моддасини сақловчи “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини А.Норматовга ўтказган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган, бундан ташқари, М.Абдуллаевнинг ёнидан соф оғирлиги 4,49 граммни ташкил қилувчи “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламасдан сақлаб кетаётганликда айбли деб топилган.

Судланган М.Абдуллаев шикоятда, гиёҳвандлик моддасини сотиш нияти бўлмагани сабабли зиммасидан ЖК 273-модда 3-қисмининг “а” бандини чиқариб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Кассация инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси А.Исаковнинг маърузасини, ҳимоячи Д.Улуғбековнинг кассация шикоятини қаноатлантириш, прокурор Ш.Нурованинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган М.Абдуллаевнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги, гарчанд, ўз айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари билан бир қаторда, унинг айби;

гувоҳлар С.Одилов, А.Норматов, Э.Олимов, Р.Мирзаматов ва Ш.Неъматовнинг дастлабки тергов ва судда берган кўрсатувлари;

бундан ташқари, суд - кимёвий, суд - наркалогик экспертизалари хулосалари, кўрсатувларини ходиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракатлари ЖК 273-модда 3-қисмининг “а” банди, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Кассация инстанцияси судланувчи М.Абдуллаевнинг шикоятдаги гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсади бўлмагани ҳақидаги важлари юқорида қайд қилинган далиллар йиғиндиси билан рад қилиб, унинг бу важларини жавобгарликдан қутилиш мақсадида уйлаб топилган важ деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир



чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши белгиланган.

Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди, М.Абдуллаевга нисбатан жазо тайинлашда ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфли даражасини эътиборга олиб, у айбли деб топилаётган моддалар санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш тўғри хулосага келган.

Зеро, ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинoий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 509⁹-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси, агар чиқарилган суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, ҳукми ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли, кассация инстанцияси М.Абдуллаевга оид суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар эмас деб ҳисоблаб, суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁷, 509⁹, 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Абдуллаев Мухаммад-Али Мўмин ўғлига нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2025 йил 10 ноябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг келтирган кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан ҳукм чиқарган суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

имзо
имзолар

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси

А.Исаков

